

АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ

Аҳоли фаровонлигини ифодалашда жами аҳолининг, оилаларнинг, алоҳида шахсларнинг умумий даромадлари муҳим аҳамиятга эга.

Аҳолининг умумий даромадларига пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар киради ҳамда доимий асосда, такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан ташкил топади.

Аҳолининг умумий даромадлари нафақат ёлланиб ишловчиларнинг меҳнат фаолиятдан олган даромадлари, балки мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар, шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар, мол-мулкдан олинган даромадлар (фоизлар, дивидендлар, муаллифлик ҳақи, бошқа мулкӣ даромадлар), трансфертлардан олинган даромадлар (пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа жорий трансфертлар)дан иборат.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида аҳоли умумий даромадлари 109,2 трлн. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 112,0 % реал ўсиш суръатига эришилди.

2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадларининг ўсиш суръатлари (2017 йилнинг мос даврига нисбатан, %)



2018 йилнинг январь-июнь ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятдан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг 65,0 %) шаклланди.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши 2,2 %, мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 4,6 %, трансфертлардан олинган даромадлар улуши 28,2 % ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида

аҳоли умумий даромадлари таркиби
(жами аҳоли умумий даромадларига нисбатан, %)




Меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг асосий манбаи - бу мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар бўлиб, ушбу даромадлар улушига кўра аҳоли умумий даромадларига сезиларли таъсир кўрсатади ва уларнинг улуши 34,7% ни ташкил этмоқда. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1 % га ўсиши умумий даромадлар ҳажмининг 0,38 % га ўсишига олиб келади.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг асосий улуши Тошкент (10,6 %), Андижон (10,6 %), Самарқанд (10,4 %), Фарғона (10,0 %), Сурхондарё (8,7 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Камроқ улушга эга бўлган ҳудудлар Сирдарё вилояти (2,4 %), Қорақалпоғистон Республикаси (2,8 %) ҳамда Жиззах (3,4 %) вилоятлари ҳисобланади.

Жами мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларда

худудларнинг улуши, %



Меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг кейинги асосий манбаи ёлланма ишчиларнинг даромадлари ҳисобланади. 2018 йилнинг январь-июнь ойларида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари 30,3 % ташкил қилди.

Худудларда ёлланма ишчиларнинг даромадлари турлича ва 21,5% дан (Сурхондарё вилоятида) 43,7% гача (Навоий вилоятида) ўзгариб туради. Ёлланма ишчилар даромадларининг учдан бир қисми (33,9%) Тошкент шаҳри (23,1%) ва Тошкент вилояти (10,8%) ҳиссасига тўғри келади.


Худудлар бўйича умумий даромадлар таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши, %



Шунингдек, аҳоли даромадлари манбаларидан яна бири мол-мулкдан олинган даромадлар бўлиб, 2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига ушбу даромад манбаининг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,1 % пунктга ошди.

Мол-мулкдан олинган даромадлар таркибида бошқа мулкый даромадлар асосий улушга эга бўлиб, унинг улуши 62,1 % ни ташкил қилади. Кейинги ўринларда дивидендлар – 26,5 %, облигациялар, депозитлар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва муаллифлик ҳақи – 11,4 % ни ташкил қилди.

Мол-мулкдан олинган даромадлар таркиби, %



Аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига мол-мулкдан олинган даромадларнинг таъсири сезиларли даражада эмас. Жорий даврда мол-мулкдан олинган даромадлар аҳоли умумий даромадларининг номинал ҳажмининг 1,7 % ўсиш суръатини таъминлади.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида мол-мулкдан олинган даромадлар ҳажмининг учдан икки қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келиб, 69,4 % ташкил этди. Навбатдаги юқори улушга эга бўлган ҳудудлар Тошкент (6,3%), Самарқанд (4,1%) ва Фарғона (3,5%) вилоятлари ҳисобланади.

2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига мол-мулкдан олинган даромадларда ҳудудларнинг улуши, %

Ҳудуд		Улуш (%)
Тошкент		69,4%
Самарқанд		4,1%
Фарғона		3,5%
Бошқа ҳудудлар		22,9%

Ўзбекистон Республикаси	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	1,1
<i>вилоятлар:</i>	
Андижон	1,6
Бухоро	2,5
Жиззах	0,7
Қашқадарё	2,1
Навоий	1,1
Наманган	3,2
Самарқанд	4,1
Сурхондарё	1,3
Сирдарё	0,7
Тошкент	6,3
Фарғона	3,5
Хоразм	2,4
Тошкент ш.	69,4

Аҳолининг умумий даромадлари таркибида трансфертлардан олинган даромадлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу даромадлар ижтимоий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертларни ўз ичига олади.

2018 йилнинг январь-июнь ойи маълумотларига кўра трансфертлардан олинган даромадларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 176,0 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, жорий даврда аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши 6,8 % пунктга ошди ва 28,2 % ни ташкил этди. Трансфертлардан олинган даромадлар улушининг ошиши асосан республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг ошиши билан боғлиқ.

Кузатилаётган даврда ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръати 119,3 % ни ташкил этди ва бунга ижтимоий трансфертлар таркибида 83,1% улушга эга бўлган пенсиялар асосий таъсир кўрсатди. 2017 йил мос даври билан таққослаганда пенсияларнинг ўсиш суръатлари 118,4% ни ташкил этди.



Ижтимоий трансфертларнинг таркибида ижтимоий нафақаларнинг улуши 12,0 % (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 123,7%), стипендияларнинг улуши эса 4,9 % (ўсиш суръати 124,1%) ни ташкил этди.

Ўтган давр мобайнида пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадларининг 2,4% га ўсиш имконини берди.


Ижтимоий трансфертларнинг турлари бўйича ўсиш суръатлари, %



2018 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари 3,3 млн. сўмни ташкил этди (реал ўсиши - 10,1%). Шунингдек, аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари бўйича Тошкент шаҳри (7 467,6 минг сўм), Навоий (5 093,5 минг сўм), Бухоро (3 966,9 минг сўм) ва

Тошкент (3 474,4 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юкори кўрсаткичлар қайд этилди.

2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари ҳажми ва реал ўсиш сурьатлари



Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юкори реал ўсиш кўрсаткичи Сурхондарё вилоятига (15,9%) тўғри келди. Шунингдек, Хоразм (15,6 %), Самарқанд (14,6 %), Андижон (13,5 %), Наманган (12,2 %) ва Бухоро (11,9 %) вилоятлари аҳоли жон бошига умумий даромад кўрсаткичларининг реал ўсиши республика даражасидан юкорини ташкил этганлиги қайд этилди.

2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига реал умумий даромадлари

	Жами, млрд.сўм	2017 йил- нинг январь- июнига нисбатан, %	Аҳоли жон бошига ўртача, минг сўм	2017 йил- нинг январь- июнига нисбатан, %
Ўзбекистон Республикаси	91 551,1	112,0	2 793,0	110,1
Қорақалпоғистон Республикаси	3 718,9	110,2	2 012,5	108,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	7 958,3	115,4	2 633,5	113,5
Бухоро	6 287,1	113,5	3 351,8	111,9
Жиззах	2 656,5	110,6	1 995,9	108,6
Қашқадарё	7 119,7	111,0	2 251,9	108,9
Навоий	4 137,2	104,7	4 303,4	103,0
Наманган	5 708,3	114,2	2 106,4	112,2
Самарқанд	8 960,1	116,8	2 397,9	114,6
Сурхондарё	6 034,8	118,4	2 389,0	115,9
Сирдарё	1 979,4	110,7	2 417,2	108,9
Тошкент	8 445,1	106,5	2 943,7	105,2
Фарғона	8 316,9	108,3	2 289,5	106,7
Хоразм	4 909,1	117,5	2 712,1	115,6
Тошкент ш.	15 287,1	110,5	6 175,6	108,7

Шуни таъкидлаш лозимки, 2018 йилнинг январь-июнь ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши 56,0 % ни ташкил этди.

Худудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши, %



Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар Сурхондарё (61,8%), Бухоро (60,5 %), Андижон (59,3%), Жиззах (59,1%), Наманган (58,7 %), Хоразм (58,4 %), Самарқанд (58,3 %) вилоятлари сезиларли улушни эгаллади.